

**Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказининг
Кутубхона ва ахборот ҳужжатларини сақлаш бўлими**



**Ўзбек шеърятининг ёрқин юлдузи, эрк куйчиси, шоир
Усмон Носир
(1912-1944)**

“Чақмоқ умрли шоир”

Фарғона - 2020

Усмон Носир

(1912-1944)

Ўзбек шеърятининг ёрқин юлдузи, эрк куйчиси номини олган машхур шоир Усмон Носир сермаъно мафтункор шеърлари билан халқнинг хурматига сазовор бўлган ижодкордир. У 1912 йил 13 ноябрда Наманган шаҳрида дунёга келди. Унинг шеърятини XX аср ўзбек поэзиясининг кўплар етолмаган чўққиларини забт этди. Бўлажак шоир тўрт ёшида отасидан айрилди. Аввал тоғаси кўлида, 9 ёшидан эса ўғай ота кўлида тарбияланди. Шоирнинг ҳаёт йўлини кузатар экансиз, у ҳеч бир жойда муқим яшамаганини, ҳаттоки олий маълумотни ҳам тугата ололмаганини кўрасиз. Қўқон шаҳридаги ўрта мактабда саккиз йиллик таълимдан сўнг Москвадаги Кинематография институтида бир йил, Самарқанддаги Педагогика академияси (ҳозирги Сам ДУ)да бир йил таҳсил олди. “Ёш ленинчи” газетасида бошланган меҳнат фаолияти эса 1933 йилдан 1934 йилгача чўзилди. “Ҳаётга, шеърятга бўлган бекиёс муҳаббат унинг кўлларида қалам тутди, қалбини ҳаяжон ва шодликка тўлдирди. Юрагига буюк бир оташ солди!... Гўзалликка ташна бўлган ўтли кўзларига бутун олам, табиат шеърят бўлиб кўринди” – ушбу жумлалар “Дийдор” газетасининг 2002 йил 16 ноябрь сонидан чоп этилган муаллиф М. Иброҳим қизининг “Шоир боқий яшайди” деган мақоласида акс этган. Унинг илк шеъри 15 ёшида, илк достони 19 ёшида, дастлабки шеърини тўплами эса 20 ёшида нашр қилинди. Йигирма тўрт ёшигача Усмон Носир “Нахшон”, “Тракторбод”, “Юрак”, “Меҳрим ” каби шеърини тўпламларини чиқариб улгурганди. Бу тўпламларда инсон руҳининг озод парвози, табиат ва муҳаббатдан тўлқинланган қалбнинг оташин садоси кўриниб турарди. Шоир шеърятини чакмоқдек кескир, оловдек ёрқин, булоқ сувидек тиникдир.

Гўзалликнинг умри ҳамиша ҳам узун, бўлавермайди. Аксар гўзал шоирларнинг умри эса ундан-да қисқароқ бўлган. Пушкин, Лермонтов, Есенин, Чўлпонлар қисмати мисол. Шоир 1944 йилда ўз юртидан анча олисда Кемерово турмаларида вафот этди. Шоир ўлмади, токи шеърят, адабиёт бор экан, унинг оташин мисралари яшашда давом этади. Оловқалб, жўшқин шоир Усмон Носирни адабиётимиз, Ватанимиз ва халқимиз ҳеч қачон унутмайди.

Усмон Носир китоблари:

1959

1. Усмон Носир. Танланган асарлар / Усмон. Носир – Тошкент:– Ўзбекистон давлат бадиий адабиёт нашриёти. – 1959. – 230 б.

1969

2. Усмон Носир. Танланган асарлар: Икки томлик / Усмон. Носир Т.1: Шеърлар/ Тўпловчи А. Ражабий. – Тошкент: – Фафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. – 1969. – 184 б.

1988

3. Усмон Носир. Унутмас мени боғим: Шеърлар, дostonлар ва шеърый драма / Усмон Носир; Сўзбоши Э. Воҳидовники. – Тошкент: – Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. – 1988. – 304 б.

Усмон Носир ҳақидаги китоблар

1971

1. Ражабий , А. Усмон Носир: Ҳаёти ва ижоди / А. Ражабий. – Тошкент: Ўзбекистон Марказий комитети. – 1971. – 39 б.

1993

2. Каримов, Н. Усмон Носир: ҳаётий лавҳалар, хужжатлар, ривоятлар / Н. Каримов; Мухарр. Н. Жўраев. – Тошкент: “Шарқ”, – 1993. – 208 б.

1994

3. Каримов, Н. Усмон Носирнинг сўнгги кунлари: Ҳаётий лавҳалари / Н. Каримов. – Тошкент: “ Шарқ”, – 1994. – 253 б.

2001

4. Рашидова, Н. Усмон Носир ҳақида / Н. Рашидова. – Тошкент: – Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. – 2001. – 64 б.

Матбуот нашрларида Усмон Носир ҳақида чоп этилган мақолалар Журналлар

1992

2. Сафо Матжон. Чакмоқ умрли шоир: / Сафо Матжон // Тил ва адабиёт таълими. 1992. – № 5–6. – Б. 13 – 14.

2012

1. “Йўлчиман, манзилим уфқдан нари”: // Жаҳон адабиёти. – 2012. – №11. – Б. 176 – 177.

Газеталар:

1985

1. Сиддиқова, Э. Усмон Носирнинг сўнгги кунлари: / Э. Сиддиқова // Қалб садоси. – 2017. – 11 янв. – Б.1.

Тузувчи: З. Зарипова.





